



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУТАХАССИС ИШТИРОКИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Я.Б.Эрматов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6341182>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17 – fevral 2022
Ma'qullandi: 22 – fevral 2022
Chop etildi: 27 – fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Жиноят процесси,
мутахассис, иштироки,
суд-ҳуқуқ, суриштирувчи,
терговчи, суд, эксперт,
махсус, далил.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада жиноят процессида мутахассис иштирокининг процессуал масалалари баён этилган. Шунингдек, жиноят процессида мутахассис иштирокининг процессуал жихатлари билан боғлиқ фикир мулоҳазалар юритилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини демократик асосда изчил ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу даврда суд-ҳуқуқ тизимининг конституциявий ва жиноят-процессуал кафолатлари таъминланди. Шу билан бирга, мустақил суд тизими ташкил этилди, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизими такомиллаштирилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини

такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини белгилаб қўйилди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси бўйича Давлат дастурида жиноят процессига ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилди.

Шунингдек, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони



такомиллаштириш Концепцияси тасдиқланди.

Жиноят ишларини юретишда махсус билимлардан фойдаланишнинг замонавий усулларида фойдаланиш, экспертиза ўтказиш ва мутахассис жалб қилишнинг аниқ мезон ва тартиб-таомилларини такомиллаштириш, эксперт ва мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, жиноят ишларида махсус билимлардан фойдаланишни ўзида акс эттирган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, илғор мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни тақозо этади. Айниқса, судга қадар ва суд босқичида мутахассис жалб қилишнинг аниқ мезон ва тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ҳамда процессуал-ҳуқуқий мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Масалан, жиноят ишлари бўйича экспертиза алоҳида мақомга эга бўлган экспертиза тури бўлиб, у махсус билимларга асосланган тадқиқотда намоён бўлиши билан ҳам эътиборлидир. Жиноят ишлари бўйича экспертиза бошқа турдаги экспертизалардан ўзининг тайинланиш ва ўтказиш тартиби, Жиноят-процессуал кодексида қатъий ва аниқ белгиланганлиги билан фарқланади².

² Кузякин Ю.Л., Россинский Б.В. Судебные экспертизы по делам об административных правонарушениях и сфере дорожного движения // Закон и и право. – 2005. – №7. – С. 72.

Фан ва илмий адабиётларда экспертизага оид турли хил тушунчалар бериш мавжуд бўлиб, амалда экспертиза, суд экспертизаси, криминалистик экспертизалар каби экспертизанинг кўринишлари мавжуд бўлиб, улар изоҳга муҳтож саналади.

Экспертиза – кенг маънодаги маълум бир соҳада махсус билимлардан фойдаланиш шакли ҳисобланади. Суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юретишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат ҳисобланади³.

Криминалистик экспертиза – фақатгина жиноятни очиш ва тергов қилиш учун қўлланиладиган экспертизаларини қамраб олади. Улар жумласига трасологик, баллистик, хатшунослик, сиёсий лингвистик, фонографик ва бошқа экспертизаларни киритиш мумкин.

Илмий-назарий адабиётларда жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган экспертиза, яъни умумий маънодаги экспертиза тушунчаси ҳақида ҳам турли-туман фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган. Хусусан, Б.Б.Ҳидоятлов “дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида фан, техника, санъат ва касб-хунар соҳасида махсус билимлар юзасидан саволлар туғилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассис, холисларнинг мазкур билимларга эгаллиги

³ Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Ўразбаев, Қ.К.Байзаков, И.Р.Астанов. Жиноят ишини юретишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари: Услубий қўлланма – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 7.



экспертиза тайинлаш заруриятдан озод этмайди”⁴ деб ёзади.

С.А.Отахўжаев экспертизани иш учун аҳамиятли бўлган фактни аниқлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд фаолиятида илмий техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этишнинг асосий шакли сифатида таърифлаб, унинг мураккаб жиноятларни очиш, тергов ва судни инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан таъминлашда муҳим рол ўйнашини⁵ таъкидлайди. Ушбу ҳолатда экспертизанинг асосий жиҳати унинг фан, техника, санъат ва турли касб-ҳунар соҳасида махсус билимга эга алоҳида мақомга эга шахслар томонидан амалга оширилиши эътибордан четда қолган, шунингдек, мазкур тушунчада эксперт ва мутахассис ўртасидаги фарқ аниқ кўрсатиб берилмаган.

Б.А.Миренский бу борада “экспертиза – махсус билимларни талаб этадиган ва суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказиладиган текширув”⁶ деб ёзади. Муаллифнинг ушбу таърифида экспертизанинг нимага йўналтирилганлиги (далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш) баён

⁴ Хидоятлов Б.Б. Следственные действия, проводимые в уголовном процессе (учебное пособие – курс лекций). – Ташкент: ТГЮИ, 2006. – С. 165.

⁵ Отахўжаев С.А. Суд экспертизасини тайинлаш ва экспертнинг ҳулосасини баҳолашнинг процессуал тартиби (услубий қўлланма). – Тошкент: РЦСЭ, 2006. – Б.5; Отахўжаев С.А. Суд экспертизанинг ҳозирги босқичда долзарб муаммолари // “Ўзбекистонда суд экспертизасининг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика идоралараро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 24.

⁶ Миренский Б.А., Раҳмонқулов А.Х., Кадирова В.В., Камолхўжаев Е. **Ўзбекистон Республикасининг** жиноят процесси. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. – Б. 154.

этилмаган, шунингдек мазкур ҳаракатлар эксперимент ва эксгумация сингари тергов ҳаракатлари учун ҳам хос бўлган белгиларни қамраб олиши ва экспертизани бошқа тергов ҳаракатларидан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлари очиб берилмаган.

Р.Алимова “экспертиза процессуал қонун асосида суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан тайинланиб, махсус билимларга эга шахс –эксперт томонидан ўтказилган текширув бўлиб, унинг натижасида алоҳида процессуал ҳужжати – эксперт ҳулосасида расмийлаштирилади”⁷ деб ёзади. Муаллифнинг ушбу таърифида махсус билим объекти ҳақида ёзилмаган, яъни ҳуқуқий соҳадаги билим ҳам махсус билим ҳисобланади, ҳолбуки мазкур билимларнинг мавжудлиги шахсни (жумладан, терговчи ёки судьяни) эксперт сифатида фаолият юритишига имконият бермайди.

Н.М.Қўшаев ва Ш.Ф.Файзиевлар “тергов қилишда ва суд муҳокамасида жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун фан-техника, санъат ёки ҳунармандчиликка доир махсус билимлар зарур бўлади, шундай билимларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, ҳолисларда бўлиши экспертиза тайинлаш заруриятини йўқ қилмайди”⁸. Бу ўринда тадқиқотчилар экспертизанинг энг

⁷ Алимова Р., Отахўжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 4.

⁸ Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / Проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 400; Иноғомжоннова З.Ф., Тўлаганова Г.З., Никифорова Е.Н. Жиноят процесси. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон, 2007. – Б.113; Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари / Проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 167.



зарурий шартларидан – экспертиза тайинловчи шахс ҳамда тадқиқот натижаси сифатида эксперт хулосаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмаганлар.

Е.Р.Россинская фикрича, экспертизани терговчининг қарорига, топшириғига мувофиқ, фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида махсус билимга эга бўлган шахс – эксперт томонидан унга тақдим этилган экспертиза объектлари бўлган ашёвий далиллар ва турли ҳужжатларни (тергов ҳаракатлари баённомаларини) таҳлил қилишдир⁹. Бунда муаллиф экспертиза нафақат терговчи томонидан тергов жараёнида, балки суд томонидан суд муҳокамасида ҳам тайинланиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирган.

Д.А.Харченко “экспертиза – жиноят ишини мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида терговчи ёки суд томонидан берилган экспертиза объектлари бўйича ҳужжатлар ёки фактик маълумотларни таҳлил қилишдан иборат махсус билимлардан фойдаланишнинг асосий шакли ҳисобланади”¹⁰ деб ёзади. Тадқиқотчи бу ўринда экспертиза объектлари тўғрисидаги масалага ноўрин ёндашган. Хусусан, экспертиза объекти нафақат ҳужжатлар ёки фактик маълумотлар, балки моддий дунё ашёлари, биологик моддалар ва ҳ.к.лар ҳам бўлиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Мутахассис эса, жиноят процесси иширокчиларидан бири саналиб, махсус

билимларга эга бўлган шахсдир. Мутахассис сифатида жиноят ишидан манфаатдор бўлмаган ва махсус билимга эга бўлган ҳар қандай шахс жалб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексидаги мутахассисга оид нормаларни таҳлил қилиш натижасида мутахассис амалга оширадиган фаолиятини қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: далилларни топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш, баҳолашда ёрдам бериш; тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техник воситаларини қўллаш орқали суриштирувчи, терговчи, судга ёрдам бериш, эксперт олдига қўйиладиган саволларни шакллантиришга ёрдам бериш, тарафларга ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда судга жиноят иши ҳолатларига оид саволларга ўзининг профессионал билимидан келиб чиқиб жавоб бериши (фикр бериши), экспертнинг хулосаларини баҳолашда экспертиза тайинлаган органларга ёрдам бериш, вояга етмаганларга, жиноятдан қаттиқ азият чеккан шахслар билан ишлаш жараёнига ёрдамлашиш (педагог ва психолог).

Мутахассисни суриштирувчи, терговчи, суд учун ишни тез ва сифатли кўриш учун яқиндан ёрдам берувчи ёрдамчига қийслаш мумкин. Чунки турли соҳаларда содир этиладиган жиноят шу соҳанинг нозик қирраларини яхши биладиган шахснинг ёрдами билан тезроқ очилади ва тегишли баҳоланади.

Тергов ва суд жараёнида мутахассис бир қатор непроцессуал ҳаракатларни ҳам амалга оширади, масалан унинг маслаҳатлари, эксперт олдига қўйилиши керак бўлган саволларни экспертиза тайинловчи ваколатли шахс учун

⁹ Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в уголовном, гражданском, арбитражном процессе. – М.: Норма, 2006. – С. 5.

¹⁰ Харченко Д.А. Судебная экспертиза в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Иркутск: Восточно - Сибирский инс., 2006. – С. 17.



тайёрлаб бериши ҳеч қаерда акс эттирилмайди, аммо ушбу ҳаракатлар унинг самарадорлигини камайтirmайди. Мутахассиснинг махсус билимларига таяниб, ўзининг профессионал имкониятларидан фойдаланиб мураккаб ҳолатларга изоҳ бериши экспертиза хулосасини, бошқа далилларни шакллантиришда бебаҳо бўлиши мумкин.

Мутахассиснинг жиноят иши метариаллари билан танишиб чиқиши терговнинг сифатли олиб борилишига ёрдам беради. Бундан ташқари, жиноят иши материаллари асосида мутахассис экспертга саволларни иш материалларидан келиб чиқиб тайёрлаши, унинг хулосасини ўқиб баҳолашда ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига киритилган ижобий нормалардан бири бу – ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкинлигидир. Ушбу ҳолат ҳимоячининг мутахассиснинг билим даражаси, махсус билимлари доирасини аниқлаш баробарида, унинг фикри нақадар тўғри йўналтирилганлигини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, мутахассиснинг вазиятга бир томонлама баҳо бериши ҳолатларининг олдини олишга ёрдам беради.

Мутахассиснинг ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи унинг ишга тезда киришиб, тегишли маслаҳати билан ёрдам беришини осонлаштиришга хизмат қилади. Ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва

мулоҳазалар билдириш ҳуқуқи мутахассиснинг ўзига хос ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Мутахассисда ўз ҳаракатларининг аниқлигини текшириш мақсадида тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш ваколати ҳам мавжуд бўлиб, ушбу саволлар фақатгина махсус билимлар билан аниқланиши мумкин бўлган мавҳум ҳолатни ойдинлаштириш ва тергов ҳамда судга ҳолатни тўғри тушунтириш, энг асосийси, ўз ҳаракатларини тўғри йўналтириш ва ўз фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадлари учун керак.

Жиноят процессида мутахассис мажбуриятлари қаторига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ҳамда мустаҳкамлаш учун илмий-техник воситалар, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиш; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиш; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериш; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд



мажлиси вақтида тартибга риоя этиши кабиларни киритиш мумкин.

ЖПКнинг “Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар” деб номланувчи 91-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усулларини қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин. Ушбу ёрдамчи усуллар жумласига овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нухалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усулларни киритиш мумкин.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 17-моддаси биринчи қисмининг биринчи, олтинчи хатбошилари

(тезкор-қидирув материалларини сохталаштириши, шунингдек била туриб нотўғри маълумотлардан фойдаланиши) билан тартибга солинади.

Жиноят процессуал қонунига мувофиқ, исботлаш предметига қуйидаги ҳолатларни киритиш мумкин: 1) жиноятнинг объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчи шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек ЖКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар орасидаги сабабий боғланиш; 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4) жиноятнинг тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига

ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаб ва мақсадлари; 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар (ЎЗР ЖПК 82-моддаси).

Процессуал қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда, шу жумладан қонунда назарда тутилган манбалардан олинган далилларгина мақбул далиллар, деб эътироф этилади¹¹/

Манбаси номаълум бўлган далил номақбул далил ҳисобланади. “Далилларнинг мақбуллиги қуйидагиларни назарда тутати: маълумотларнинг келиб чиқишини билиш ҳамда уларни текшириш имконияти, ушбу маълумотлар тўғрисида хабар бераётган шахс томонидан уларни қабул қилиш имконияти, исбот қилишнинг ҳам умумий қоидаларига, ҳам муайян турдаги ахборотни тўплаш ва қайд этиш қоидаларига риоя этиш (ЖПКнинг 17, 18, 20, 22, 87-92, 110, 111, 198-202, 208-м. ва ҳоказо), процесснинг муайян босқичини тартибга соладиган ҳамда жиноят ишини юритаётган шахснинг ваколатларини белгилайдиган қоидаларига риоя этиш. Қонунда белгиланмаган манбалардан олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди (ЖПКнинг 81-м. 2-қ.)”¹².

¹¹ Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. (Монография 2-нашр). –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б 23-24.; Комментарий к УПК РСФСР / под ред. В.Т.Томина. М.: Вердикт, 1996. – С.128.

¹² Жиноят процесси. Дарслик. (Муал. Ҳамкор.). Т., Янги аср авлоди. 2002. Б.121.



Далилларнинг мақбуллиги билан боғлиқ бошқа қоидаларнинг чунончи: баённома тузиш, уни таништириш ва имзолатиш, гувоҳ ёки жабрланувчини чақириш қоидаларини бузиш, сўроқ олиб боришда нотўғри усулларни қўллаш ва ҳ.к.да ёлғон гувоҳлик бериш таркиби мавжуд, чунки бундай қоидабузарликлар иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан берилган ёлғон кўрсатувларнинг ижтимоий хавфлилигини бартараф этмайди ва олинган маълумотларнинг далиллик аҳамиятининг йўқотилишига доим ҳам олиб келавермайди.

ЖПКнинг 92-моддасига кўра, далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида мутахассиснинг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг процессуал ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланади. Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон берилади ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб берилиши даркор. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топшириғига биноан суд мажлиси котиби суд залидан

ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради. Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган мутахассис ўзи иштирок этган ҳаракат бўйича баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекади.

Жиноят процессида эксперт фаолияти мутахассис фаолиятига ўхшасада, бироқ қатор жиҳатлари билан ундан фарқ қилади. Мутахассис фикри маслаҳат тусида бўлади, экспертиза эса баъзида кўпчилик илғай олмайдиган, аллақачон йўқолиб кетган далилларни қайта тиклашга ёрдам беради. Мутахассис экспертдан фарқли равишда тадқиқот олиб бормайди, балки фақатгина далилларни аниқлашга, олишга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, холос. Таъкидлаш лозимки, эксперт ўз махсус билимларидан фойдаланиб, процесснинг мансабдор шахслари томонидан қўйилган саволларга жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда, мутахассис жиноят процесси иштирокчилари орасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяга далилларни тўплаш ва текширишда яқиндан ёрдам берувчи махсус билимга эга бўлган шахс ҳисобланади.